

**Ушбу сонда:**

**УМИДСИЗ ДИЛ ЖАҲОНДА КАМ ЯРАЛГАН**
2 БЕТ

Пахта-2020

**БИРИНЧИ ТЕРИМДАЁҚ ПАХТА ХИРМОНИ – 100 ТОННА**
3 БЕТ

**Тупроқнинг сеҳрли оҳанги**

**ГУЛКИ КЎРСАНГ, ТЕГРАСИДА ЮЗ ТИКАН...**
4 БЕТ







# Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ


Иш эрур улким,
ўзи они қилур,
Ҳикмат улким,
ҳам ўзи они билур.

Алишер НАВОИЙ.

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг


Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган | farhaqiqat.uz | @farhaqiqati | 2020 йил 30 сентябрь, чоршанба № 75 (24464)


Вилоят ҳокимлигида

## Фарғона энг ривожланган, барча ҳавас қиладиган ҳудудга айланади

**Кеча вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси ва бошқа долзарб масалалар юзасидан кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сектор раҳбарлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ташкилот ва бошқармалар бошлиқлари, депутатлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, шаҳар, туман студияларида фаоллар иштирок этди.**



Йиғилишни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров очди ва олиб борди.

Вилоятдаги секторлар, ташкилот ва бошқармалар раҳбарлари энди очиқлик асосида ишлайди. Аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш баробарида, ижтимоий тармоқлар орқали ҳам мурожаатларни қабул қилади. Кабинетда ўтирмасдан ҳудудларга бориб, йўналишлар бўйича муаммоларни ўрганади, уларни ҳал этиш чораларини кўради. Бу ҳақда вилоят раҳбари фаоллар билан илк бор ўтказилган йиғилишда сўз юритди.

Вилоятда барча соҳаларда улкан салоҳият бор. Ундан самарали фойдаланиш эса аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаяпти. Айниқса, бугунги пандемия даврида инсонлар саломатлигини асраш билан бирга, иқтисодиётни ривожлантириш зарур. Вилоят раҳбари тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кўмакчи ва елкадош бўлиш устувор вазифа сифатида белгиланганлигини қайд этиб ўтди.

Вилоят, шаҳар ва туманларда "Тадбиркорлар уйи" ташкил этилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорнинг муаммоси шу ерда ечим топади. Истиқболли лойиҳалар, бизнес-режалар ишлаб чиқилади.

Вилоят раҳбари тадбиркорлар билан ишлаш, ҳудудларни обод этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уй-жой қурилиши ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган ишларнинг талаб даражасида эмаслигини мисоллар орқали айтиб ўтди.

Биринчи марта мамлакатимиздаги туман ва шаҳарлардаги иқтисодий кўрсаткичлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳити, инфратузилма ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси ўрганилиб, таҳлиллар асосида улардаги тадбиркорлик ривожи ҳолати "яхши", "ўрта" ва "қониқарсиз" ҳудудларга ажратилди. Афсуски, вилоятдаги Фурқат, Ёзёвон ва Қўштепа туманлари "қониқарсиз" деб топилган. Айни кунларда мазкур ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этиш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилалар учун даромад манбаини топишга ёрдам бериш барча сектор раҳбарларининг кундалик иш тартибидан жой олиши кераклиги таъкидланди.

— Дастлаб Фарғона, Қўқон шаҳарларида "халқ назорати" платформасини ишга туширишни режалаштирганмиз, — деди ҳоким. — Аҳоли учун бу мулоқот майдони бўлади. Улар ҳудуддаги муаммоларни бемалол айта олсин. Мутасадди раҳбарлар муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриши лозим. Шунингдек, матбуот ва ижтимоий тармоқларда холис, асосли танқид бўлса, биз бемалол қабул қиламиз.

Шунингдек, вилоят раҳбари таълим, тиббиёт, маҳалла, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги мавжуд ҳолатни чуқур таҳлил қилди. Шаҳар ва туман студияларида иштирок этган фаолларнинг вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрни борлиги таъкидлаб ўтилди.

**М. СУЛАЙМОНОВ.**
**М. ҚОДИРОВ олган сурат.**

Кун жараёни

## Бешариқда янги таълим маскани

**Бешариқ тумани "Воруғ дашт" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 50-умумтаълим мактаби янги таълим масканларидан биридир. Ўтган йилда қарийб 5 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилган мактабда барча шароитлар яратилган. Илгари мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи ёшлар 7-8 километр узоқда жойлашган 44-мактабга қатнаб ўқирди. Эндиликда ҳудудда барча ҳавас қиладиган таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.**






Айни кунларда бу ерда 480 нафар ўқувчилар таҳсил олмоқда. Пандемия шароитида ўқув жараёни белгиланган санитария талаблари асосида ташкил этилмоқда.

Дилшодахон Давлатова бошланғич синф ўқитувчиси сифатида катта тажрибага эга. У маҳоратли, изланишдан чарчамайди.

**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ҚАРОРИ**

*36-сон* | *2020 йил 25 сентябрь* | *Фарғона шаҳри*

## БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси вилоят Кенгашлари томонидан бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 20, 90, 91, 92, 93-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар этиб қуйидагилар рўйхатга олинсин:

| Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими | Доимий яшаш жойи | Номзод кўрсатган сиёсий партиянинг номи |
|---|---|---|---|---|---|
| **1-Жомий сайлов округи** | | | | | |
| Умаров Алишер Олимович | 1968 | Ўзбекистон халқ демократик партияси | Ўзбекистон халқ демократик партияси Фарғона шаҳар Кенгаши раиси | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | Ўзбекистон халқ демократик партияси |
| Норматов Абдухалил Абдувалижонович | 1984 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Фарғона вилояти Кенгаши туманлараро ижрочи котиби | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси |
| Элчиева Нафисахон Тоҳировна | 1976 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партияси | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партияси Фарғона вилояти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари—аппарат раҳбари | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон либерал-демократик партияси |
| Шокирова Муқаддасхон Қўзибой қизи | 1970 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Фарғона шаҳар Кенгаши раиси | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси |
| Матхаликов Алишер Абдунабиевич | 1987 | Ўзбекистон Экологик партияси | "Grand Fergana Hotel" меҳмонхонаси бош директори | Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри | Ўзбекистон Экологик партияси |
| **30-Хонобод сайлов округи** | | | | | |
| Тўхтақўзиев Илхом Хайдарович | 1966 | Ўзбекистон халқ демократик партияси | Ёзёвон тумани «Хонобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси | Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани | Ўзбекистон халқ демократик партияси |
| Холдоров Аброр Хамдам ўғли | 1990 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Фарғона вилояти Кенгаши туманлараро ижрочи котиби | Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси |
| Комилов Бобирмирзо Комилович | 1989 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партияси | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партияси Ёзёвон туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — аппарат раҳбари | Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси |
| Мамажонова Рисолатхон Хайдаровна | 1989 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилояти Кенгаши раиси | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси |
| Мамажонов Умиджон Хайдарович | 1985 | Ўзбекистон Экологик партияси | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари | Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани | Ўзбекистон Экологик партияси |
| **40-Пахтакор сайлов округи** | | | | | |
| Усмонов Алишер Ғаниевич | 1983 | Ўзбекистон халқ демократик партияси | Қўштепа туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири в.б. | Фарғона вилояти, Қўштепа тумани | Ўзбекистон халқ демократик партияси |
| Алижонов Фарходжон Абдулходиевич | 1963 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Фарғона шаҳар Кенгаши раиси в.в.б. | Фарона вилояти, Қўштепа тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси |
| Рахмонов Халимжон Хокимович | 1981 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партияси | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Фарғона вилояти Кенгаши Бизнес тузилмалар ва фермерлар билан ишлаш бўлими мудири | Фарона вилояти, Қува тумани | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон либерал-демократик партияси |
| Исақов Хожиқўзижон Қосимжонович | 1985 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси | Марғилон шаҳар "426-хўжаликлараро ихтисослашган кўчма механизмлар колоннаси" масъулияти чекланган жамияти раҳбари | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси |
| Рўзибоев Маъруфжон Мадаминович | 1979 | Ўзбекистон Экологик партияси | Қўштепа тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи | Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри | Ўзбекистон Экологик партияси |

2. Фарғона вилоят сайлов комиссияси котиби А.Отабоев халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги қарорни маҳаллий матбуотда қонунда белгиланган муддатда эълон қилинишини таъминласин.

**Фарғона вилоят сайлов комиссияси раиси** **Э.НУРАЛИЕВ.**

# 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни




**■ Дилдорахон Маҳмудова собиқ ўқувчиларидан келган, такрор ва такрор ўқилавериб, титилиб кетган мактублардаги таниш сўзларни ҳар гал меҳр билан силаганида кўзидан шошқатор ёш оқади. Ҳозир ҳам доимо ёнида олиб юрадиган ана шундай хатлардан бирини ўзгача энтикиш билан ўқияпти.**

**"Меҳрибон устоз, Дилдора онажон! Биз сизни ўзимизнинг иккинчи онамиз сифатида қабул қилганмиз ва ҳамиша шундай бўлиб қолади. Ўқувчиликнинг илк йиллари меҳр билан бошимизни силамаганингизда ҳаётда ўрнимизни топмаган бўлар эдик.**



# УМИДСИЗ ДИЛ ЖАҲОНДА КАМ ЯРАЛГАН

Қалбимизда бироз кемтиклик бўлсада, ҳаётимиздан миннатдормиз. Чунки жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси бўлиб, оиламизнинг бахти тўкислиги учун астойдил меҳнат қиляпмиз. Таъзим сизга, устоз!".

— Ҳар бир устоз-мураббийни ишга олишда биринчи навбатда болаларга бўлган меҳрини синовдан ўтказаман, — дейди Дилдорахон опа мактубни авайлаб столи тортмасидаги альбомга жойлар экан. — Агар оиласида ногирон бола тарбиялаётган ота-она бўлса, биринчи суҳбатдаёқ ишга қабул қилинади. Сабаби, бундай инсон қалби кемтик бола руҳиятини жуда яхши билади.

Қўқон шаҳридаги 9-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослашган мактаб-интернатида самарали фаолият олиб бориш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Боиси ушбу таълим даргоҳида ишлаш учун ўқитувчи-мураббийлик маҳоратидан ташқари, касбига садоқатли бўлиш, болаларни яхши кўриш керак.

Айни пайтда мактабда таянч ҳаракатида нуқсони бўлган, болалар фалажлиги касаллигига чалинган 241 нафар ўқувчиларга 100 нафар ўқитувчи-мураббийлар таълим ва тарбия беради. Чунки бу ерда ўқиш, жисмоний тарбия, касб-ҳунарга ўргатиш ишлари ўзаро муштарак ҳолда олиб борилади. Биринчи синфга қабул қилинадиган ўқувчилар 9-синфни тамомлаганидан сўнг таълимнинг кейинги босқичига ўтказилади.

Ҳозирда Фарғона водийси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан келиб тарбияланаётган болаларнинг ҳар бир ўзгача олам. Аксарияти ҳаракатсиз, бир жойда бўлгани учун ҳаётга қизиқиши ўта кучли, серфикр. Дилдора опа ана шундай болалар руҳиятини ўрганиш бўйича илмий иш қилган, педагогика фанлари номзоди илмий унвонига эга. Бу ўғил-қизларнинг яширин истеъдодини кашф этишни жуда яхши билади.

— Дарслар тўлиқ умумтаълим мактаб дастури асосида ўтказилади, — дея суҳбатимизни давом эттиради таълим соҳасида 35 йиллик малакага эга қаҳрамонимиз. — Шундан сўнг тиббий муолажалар, жисмоний тарбия машғулотлари ташкил этилади. Тикувчилик ва дурадгорлик цехларида ўқувчиларимиз ҳунар ўрганади. Мактабимизнинг мўъжазгина музейи ҳам бор. Пандемия даврида дарслар онлайн тарзда амалга ошириляпти.

1993 йили мазкур даргоҳда фаолият бошлаган Дилдорахон Маҳмудова 1997 йилдан буён директор сифатида жамоани бошқариб келмоқда. 2001 йили Ўзбекистон Республикаси "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони, 2007 йилда II даражали "Соғлом авлод учун" орденига сазовор бўлди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президент Фармонига кўра, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" фахрий унвони билан тақдирланди.

Устоз ижодкорларимиз эътироф этганидек, бу дунёда умидсиз дил кам яралган. Тириклик дунёсида ҳар бир инсон бахтли яшашни истайди ва шунга интилади. Бундай орзу-умидларни рўёбга чиқаришни ҳаётининг мазмуни деб биладиган устоз-мураббийларнинг фидойи меҳнати эътибор ва рағбатга муносибдир!

**Ботир МАДИЁРОВ.**



# Тараққиёт йўли – МАЪРИФАТДА

**Агар бугун менга Бағдод туманининг эртанги кун истиқболи учун киритилаётган энг катта инвестиция нима? – дея савол беришса, ҳеч иккиланмай баркамол авлод орзуси йўлидаги эзгу ташаббуслар, деган жавобни бераман. Бу бежиз эмас, албатта.**

Айни кунларда бағдодлик минглаб ёшлар мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртлари, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Жанубий Корея, Хитой, Малайзия, Россия сингари дунёнинг энг нуфузли таълим даргоҳларида ўқимоқдалар. Ўтган йили қарийб 400 нафар туман ёшлари мамлакатимиз ва хориждаги ўнлаб олий ўқув даргоҳлари талабаси бўлган бўлса, бу йилги натижалар янада яхши бўлишига ишонамиз. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, шу кунларда 30 нафардан зиёд ўғил-қизларимизни жаҳоннинг машҳур университетларига ўқишга кирганини аниқ бўлиб улгурди. Бу йил ўқишга ҳужжат топширган 2356 нафар келажагимиз ворислари орасида тест синовларида энг юқори балл тўплашга эришган ўнлаб ёшларимиз номини фахр билан тилга олиш мумкин. Мисол учун, тумандаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфини тамомлаган Фаррух Саминжонов Италия, Сингапур, Ҳиндистон каби дунёнинг 11 та олий таълим муассасаси имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди.

Хўш, бундай ютуқларнинг асосий омили нимада? Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида давлатимиз томонидан янги авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган эътибор ва рағбат, бевосита вилоят ва туман ҳокимлигининг таълим тизимига ғамхўрлиги ютуқларимиз бардавомлигини таъминлаяпти. Ҳаётбахш дастурлар доирасида таълим муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланиб, замонавий шарт-шароитлар яратилаётгани бу борада жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда туман халқ таълим бўлими тасарруфидаги 59 та умумий ўрта таълим мактабларида 74 та компьютер синфлари мавжуд бўлиб, 1200 та компьютер жамланмаси билан таъминланган. Хорижий тилларни ўқитишда 105 дона Notebook, 95 та видеопроектор ва 22 та интерактив доскалардан самарали фойдаланилмоқда. Тумандаги 31 та мактаб оптик толали алоқа тармоғига уланган. Тасдиқланган "Йўл харитаси" доирасида 29 та мактабда 54,3 км. оптик толали алоқа тармоғи тортиш ҳамда 48 та мактабни юқори тезликдаги маълумотларни узатиш тармоғига улаш ишлари режалаштирилиб, бунинг учун қарийб 2 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

"Ақлли мактаб" дастурига тажриба-синов тариқасида тумандаги 35 та мактаб киритилиб, интерфаол усулда ва мобиль иловалар орқали "мактаб — ўқувчи — ота-она" тизими асосида иш юритишга ўтилмоқда. 35-умумий ўрта таълим мактаби "Ахборот технологияларига ихтисослашган мактаб"га айлантирилиб, 6 та синф информатика фанига ихтисослаштирилди ва 180 нафар иқтидорли ўқувчилар махсус тест синовлари орқали қабул қилинди. Инновацион ривожланиш вазирлиги кўмагида мактабда 35 минг дона электрон китоб захирасига эга "Электрон кутубхона" ташкил этилди.

Шу билан бирга ўнлаб мактабларда хориж тилларига ихтисослашган синфлар фаолияти йўлга қўйилди. Ўқувчиларимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантириш мақсадида "Бағдод зиёлилари" китоби чоп этилиб, унда илм-фан ва бошқа соҳаларда катта ютуқларга эришаётган ҳамтуманларимиз ҳақида қизиқарли маълумотлар жамланди. Республика ва халқаро фан олимпиадалари, билимлар беллашувларида ютуқларга эришаётган ўқувчи ҳамда ўқитувчилар мунтазам равишда рағбатлантириб борилади. Карантин шароитида ҳам доимий равишда турли фанлар бўйича иншолар, китобхонлик танловлари, онлайн семинарлар ўтказиб борилмоқда.

Айни пайтда 25 га яқин мактабларимиз анъанавий таълим усулига қайтиб, босқичма-босқич бундай таълим муассасалари сафини кенгайтириб бориш режалаштирилган. Ўз навбатида онлайн ўқитиш усули ҳам доимий назоратда бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, соҳа фахрийлари бўлган устозлар ва фидойи ҳамкасбларимизни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман. Машаққатли, шу билан бирга шарафли фаолиятларида омад ва муваффақият, шогирдлар камолини кўриб юриш бахти ҳамроҳ бўлаверсин!

**Тўлқиной ТОЖИЕВА,**
**Бағдод тумани халқ таълими бўлими мудири.**
**Суратни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.**

# Зиммамизда шарафли ва масъулиятли вазифа бор

**Бугунги кунда вилоятимиз халқ таълими тизимида**

**МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:**

**969** та таълим муассасалари фаолият юритиб, уларнинг таркибига
**947** та мактаб (шу жумладан, 10 та махсус мактаб,
**18** та ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ҳамда
**48** та ихтисослаштирилган мактаблар),
**2** та «Меҳрибонлик» уйи,
**20** та "Баркамол авлод" болалар марказлари киради.
Ҳудудларда таълим жараёни ўзбек, рус, қирғиз, тожик тилларида олиб борилади. Нодавлат таълим муассасалари
**23** тани ташкил этади. Мазкур таълим муассасаларида жами
**48 747** нафар педагог ходимлар меҳнат қилса, уларнинг
**97,2** фоизи олий тоифали ўқитувчилардир.

Мухбиримиз вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ферузахон Саҳибова билан суҳбатлашди.

**— Пандемиянинг миллий таълим-тарбия тизимига кўрсатаётган салбий таъсиридан қутулолганимиз йўқ. Шундай бўлса-да, юртимизда карантин талаблари юмшатилиб, мактабларда янги ўқув йили ҳам бошланди.**

— Мамлакатимиз, хусусан, вилоятимизда август ойида ота-оналар ўртасида ўтказилган сўровномалар натижалари ҳукуматимизнинг бу борадаги қарорига асос бўлди. Сўровномаларда қатнашган 566 минг нафардан зиёд фарғоналик ота-оналарнинг 74 фоизи карантин шароитида ўқув жараёнини анъанавий тарзда бошлашга розилик билдиришди.

Карантин талаблари ва санитария меъёрларига амал қилган ҳолда фаолият олиб боришимиз учун етарли бўлган зарарсизлантириш воситаси, тиббий ва ҳимоя воситалари вилоят ҳокимлиги томонидан етказиб берилди.

Вилоятимиздаги барча халқ таълими тизимидаги ва нодавлат таълим муассасалари 1-синфларига қабул қилинган болалар учун жами 71994 дона Президент совғалари олиб келинди.

Ҳудудлардаги 469 та таълим муассасаларида янги ўқув йили анъанавий шаклда бошланди. Ҳозирда 167 466 нафар ёки жами ўқувчиларнинг 51,7 фоизи мактабларга қатнаб ўқишмоқда.

**— Мактабларда онлайн таълим қандай амалга ошириляпти, бу усул ўзини оқлаяптими?**

— Ҳар бир ўқувчи учун онлайн ёки анъанавий таълимнинг бериб борилиши, аввало, ота-оналарнинг танлови. Ҳар иккисида ҳам талаб ва назорат қатъий амалга оширилади. Қолаверса, ўқувчиларда онлайн тартибда ўқиб-ўрганиш бўйича етарли тажриба ҳам тўпланди.

Бугунги кунда вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 500 932 нафар ўқувчилари онлайн режимда таълим олмоқда. Масофадан туриб ўқиётган ўқувчиларга "Онлайн мактаб" лойиҳаси доирасида эфирга узатиладиган телевизион дарслар, ижтимоий тармоқлар (Телеграм)да, барча мактаблардаги ҳар бир синфлар учун алоҳида ташкил этилган гуруҳларда фан ўқитувчилари ҳамда синф раҳбарлари томонидан дарс машғулотлари ўтказилади. Дарсларни сифатли олиб бориш, ўқувчини қизиқтира олиш эса ҳар бир ўқитувчининг алоҳида иқтидорига боғлиқ.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги томонидан барча ўқувчилар учун электрон дарсликлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Ҳозирги кунда вилоят болалар кутубхонасининг телеграмдаги гуруҳ ва каналларида 25000 нафардан зиёд аъзолар бўлиб, уларга 32 000 нусхадан зиёд электрон китоблар, аудиокитоблар, аудиоэртаклар тақдим этилгани ҳам онлайн таълим сифатини ошириш, ўқувчиларда китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган.

**— Вилоятимиздаги мактабларнинг бугунги ҳолати, моддий-техник базаси имкониятлари қанчалик яхшиланди?**

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида инвестиция дастурига асосан, вилоятимиздаги жами 23 та мактабларда 63,7 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 6 та янги қурилиш, 12 та реконструкция ва 5 та мукаммал таъмирлаш белгиланди. Масалан, Қўштепа туманидаги 37-, Бешариқ туманидаги 47-, Бағдод туманидаги 17-, Бувайда туманидаги 18-, Фурқат туманидаги 22-, Фарғона шаҳридаги 8-, Ўзбекистон туманидаги 6-умумтаълим мактабларида реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, мактаб бинолари замонавий, кўркам қиёфа акс этди.

Фарғоналик ўқувчи ёшларнинг халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, кўрик-танловларда эришаётган ютуқлари, айниқса, мактаб таълимини тугатган ўқувчиларнинг республика ва халқаро олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичининг юқорилиги барчамизни ғурурлантиради.

Бешариқлик Шухратжон Қурбонов, Гулфира Қуйсинова, бағдодлик Хусанжон Ғойиббердиев, Лутфилло Сепатуллаев, қувалик Хондамир Аҳмаджонов сингари иқтидорли ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадалари ғолиби бўлишди. Бу йил вилоят миқёсида ўтказилган "Ёш китобхонлар", "Она тили — миллат ғурури" номли онлайн танловларда ҳам яна юзлаб истеъдодли ўғил-қизларни кашф этдик.

Ўтган йили вилоятимиз ўқувчиларининг 4001 нафари олий ўқув юртларига қабул қилинган бўлса, уларнинг 944 нафари халқаро олийгоҳлар талабаси бўлишди. Бу йилги кўрсаткичлар ҳам янада юқорилаши кутилмоқда. Бағдод туманидаги 1-умумтаълим мактаби битирувчиси Фаррух Саминжоновнинг бир вақтнинг ўзида Италия, Ҳиндистон, Сингапур каби халқаро давлатларнинг 11 та олий таълим муассасаси имтиҳонларидан муваффақиятли ўтгани, у каби Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги ШАРДА университети, Москва давлат университети, Сингапур менежмент институти, Турин политехника институти, Жанубий Кореянинг ИНХА университети каби ўттиздан зиёд нуфузли халқаро олийгоҳлар талабаси бўлган ўқувчиларимиз сафи йилдан-йилга кўпаяётгани миллий таълим тизимида эришаётган муваффақиятимиздир.

**— Президентимизнинг сўнгги йилларда аниқ ва табиий фанлар ривожига алоҳида эътибори Фарғонада қандай акс-садо бермоқда?**

— Давлатимиз раҳбарининг "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида математика фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш вазифаси белгиланган. Вилоятимизда ҳам 2020/2021-ўқув йилида Қувасой шаҳар 1-ИДУМ, Фарғона шаҳар 40-ИДУМ, Қўқон шаҳар 32-ИДУМ ҳамда Олтиариқ тумани 3-ИДУМ негизида математика фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар очилди. Шунингдек, 7 та кимё ва биология фанига ва 19 та туман-шаҳарда 1 тадан — ахборот компьютер технологияларига ихтисослашган мактаблар ташкил этилди. Буларнинг бари вилоятимизда аниқ ва табиий фанлар, замонавий ахборот технологиялари билимдонларининг камолга етишига муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**— Фарғоналик устоз-мураббийларнинг меҳнати давлатимиз томонидан юксак эътироф этилмоқда.**

— Ўтган йили бошқарма тасаррруфидаги таълим муассасаларидан 5 нафар ҳамкасбларимизга юксак мукофотлар насиб этди. Риштон туманидаги 49-мактаб ўқитувчиси Мунаввархон Полвонова "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Данғара туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси Феруза Солиева "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Олтиариқ туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси Камолат Турсунова, Фарғона шаҳридаги 40-айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Ян Игорь, Бағдод туманидаги 1-ИДУМИ ўқитувчиси Зилола Сулаймонова "Шуҳрат" медалига муносиб топилди. Бу йил ҳам яна бир фидойи устоз — Қўқон шаҳар 9-махсус мактаб интернати директори Дилдорахон Маҳмудовага "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" унвони берилди. Бундай юксак рағбатлар фаолиятимизга куч ва шижоат бахш этмоқда.

**— Яқинда ЮНЕСКО томонидан Фарғона шаҳри дунёнинг энг ўқимишли шаҳарлар рўйхатига киритилгани юртимиздаги таълим тараққиётининг халқаро эътирофи сифатида қабул қилинди. Бу эса миллат маърифатининг истиқболи, ёш авлод таълим-тарбияси учун янада улкан шижоат ва ташаббуслар кўрсатиш кераклигини ҳам англатади.**

— Шубҳасиз, зиммамизда шарафли ва масъулиятли вазифа бор. Илм-маърифат йўлидаги ҳар қандай эзгу ишлар Ватан тақдири, авлодлар келажагига дахлдордир. 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида ҳамкасбларимизнинг эл ичра баландлаган қадр-қиммати, шахсан Юртбошимиз ишончи ва эътиборидан нур олаётган толеига янада юксаклик тилайман.

**—Байрам сизга ҳам муборак бўлсин. Суҳбатингиз учун катта раҳмат!**

**Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.**

# Санъатни севувчи қалб



**Ёшлик пайтларимда уйимизга баҳорнинг илк кунларида "Бойчечак" қўшиғини айтиб келадиган болалар бўларди. Бу қўшиқни ҳамма орзиқиб қарши оларди. Санъатга ихлосманд халқимизга қанча куй-қўшиқлар бўлса ҳам камдек гўё. Болаликдан санъатга меҳр қўйган Одинахон Якубова мана 32 йилдирки, мана шу соҳада меҳнат қиляпти.**

— Оилавий санъат ихлосмандларимиз, — дейди Фурқат тумани маданият маркази қошида ташкил этилган "Шодиёна" фольклор-этнографик халқ ҳаваскорлик жамоаси бадиий раҳбари Одинахон Якубова. — Бу қобилият бизга отамиздан ўтган. Раҳматли дадам юрган йўлида қўшиқ ҳиргойи қилардилар. Опа-акаларим, синглим ҳам санъатга қизиқишган. Мен кутубхона йўналишида ўқидим, бироқ бу соҳада бир кун ҳам ишлай олмадим. Барибир санъатга бўлган меҳрим устунлик қилди.

У иш фаолиятини 1989 йилда Фурқат тумани маданият бўлимига қарашли Янги қишлоқ маданият уйи мудири вазифасида бошлаган. Одинахон опа иш фаолияти давомида туманда олиб борилаётган маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва юқори савияда ўтказилишида ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шу билан бирга туман маданият маркази қошида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишларини шакллантиришда ёшларга мураббийлик қилиб, уларга мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг нозик сирларини ўргатяпти.

— Одинахон камтар, ўз соҳасини чуқур эгаллаган билимдон мутахассис, — дейди туман маданият бўлими мудири Раънохон Исроилова. — У вилоят, туман босқичида ўтказиладиган кўрик-танловлар, байрамларда иштирок этиб, сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Ўтган йили ўтказилган Халқаро ҳунармандлар фестивалида ҳам ўз жамоаси билан фаол қатнашди. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган иштирокчилар уларнинг чиқишларини томоша қилиб олқишлашди.

Одинахон Якубова уч нафар фарзанднинг онажониси, икки нафар набиранинг меҳрибон бувижониси. Унинг фарзандлари ҳам санъат шайдоси. Маънавиятни, гўзалликни севувчи дилда ёмонликка асло ўрин йўқ. Одинахон опа ҳам фарзандларини маънавий муҳитда тарбия қилиб, халқ хизматига камарбаста мутахассислар қилиб улғайтирди. У ҳозир юзлаб шогирдларнинг жонкуяр устози. У мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Бу фидокорона меҳнат учун юксак мукофотдир.

**Шоҳсанам ЭШМАТОВА.**

Муносабат

# Ёшлар орзу-истакларининг ИФОДАСИ

**Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш таклифи берилган эди. Ушбу таклиф бутун дунёда кўтаринки руҳда қарши олинган.**

Ушбу тарихий ҳужжатни қабул қилиш йўлида жорий йилда Самарқанд веб форуми ўтказилди. Ушбу форумда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, билим олиш, касбни эгаллаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз сўзига ва мавқеига эга бўлиши учун шароит яратиш каби бугун дунё ёшлари олдида турган энг долзарб масалалар муҳокама қилинди. Турли давлатлардан минглаб экспертлар, таҳлилчилар ва ёшлар ушбу форумда иштирок этиб, мавжуд муаммоларга муносиб ечим, таклиф ва мулоҳазалар муҳокама этилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан тайёрланган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Конвенция лойиҳаси атрофида жуда қизғин баҳс-мунозаралар кечди. Конвенция лойиҳаси бўйича 150 дан зиёд таклифлар ўртага ташланди. Турли хорижий мамлакатлар, тузилмалар, ёшлар ташкилотлари, илмий доира вакилларининг аксарияти томонидан билдирилган ижобий фикрлар муштарак бўлиб, Конвенциянинг истиқболи порлоқ эканлигидан дарак беради.

Жорий йил мамлакатимиз ёшлари ҳаётида улкан имкониятлар яратилишига сабаб бўлувчи Ёшлар парламентлари ташкил этилди. Ёшлар парламентларига ташаббускор, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга ёшлар жалб этилди. Натижада келажак авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданияти, сиёсий билимларини оширишга замин яратилди.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида "Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Республикамизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ёшлар парламентлари, ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда" деб таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, Ёшлар парламентлари депутатлари томонидан ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади. Ёшлар парламентларининг аъзолари олдида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёш ватандошларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одам савдоси ва ноқонуний меҳнат миграциясига қарши курашишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, уларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, эстетик, бадиий дунёқарашини кенгайтиришга кўмаклашиш каби долзарб йўналишларда фаолиятларини амалга оширилиши режалаштирилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқда илгари сурилган ғоялар барча юртдошларимизнинг орзу-истакларини тўлақонли ўзида акс эттиргани билан аҳамиятли бўлди. Энг муҳими, унда халқимизнинг бугунидан рози бўлишига ҳамда мамлакатимизнинг ҳар соҳадаги истиқболи йўлида амалга оширилиши зарур бўлган барча ташаббус ва вазифалар ўз ифодасини топди.

**Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

Қишлоқ хўжалиги: истиқбол ва самара

Пахта—2020

# ЁЗЁВОНДА МАВСУМ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ДАВОМ ЭТМОҚДА



**Фарғона вилоятидаги 9 та пахтачилик-тўқимачилик кластерлари ва туманлардаги кооперациялар томонидан етиштирилган пахта ҳосили терими қизғин паллага кирди.**

Илгарилари пахта мавсуми оммавий сафарбарликлар билан ташкил этилиб, аксарият юртдошларимиз бундай вақтда далаларда бўларди. Бугун эса вазият ўзгарди. Мажбурий меҳнатга умуман барҳам берилди. Айниқса, пахтачиликда кластер усулининг жорий этилганлиги ўз самарасини бермоқда. Фермер ҳам, кластер корхонаси ҳам манфаат кўра бошлади. Ҳосилни йиғиб териб олиш ишлари ихтиёрийлик асосида ташкил этилиб, теримчилар учун етарли шароитлар яратилган.

"Баҳодир Лоғон текстил" масъулияти чекланган жамияти ўтган йилдан Ёзёвон туманида кластер усулида пахта етиштириб келмоқда. Марказий Фарғона ерларида деҳқончилик қилишнинг ўзига яраша машаққати бор. Жорий йилда тумандаги 126 та фермер хўжаликлари томонидан 5 минг 210 гектар ерда истиқболли пахта навлари парваришланди. Айни кунларда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари давом этмоқда.

— Пахтачиликда кластер усули ютуқларимизнинг муҳим омили бўлмоқда,— дейди "Фар зулфиқор" фермер хўжалиги раҳбари Мақсуджон Ёқубов. – Бу йил хўжалигимиз аъзолари томонидан 54 гектар ерда "С8290" пахта нави етиштирдик. Бугунгача режадаги 170 тоннадан ортиқ пахта териб олинди. Далаларимиз ҳали ҳам оппоқ чаманзор, ҳосилдорликни 50 центнерга етказишни режалаштирганмиз.

Ҳозирга қадар туманда йигирмадан ортиқ фермер хўжаликлари пахта тайёрлаш режасини бажарди. Терим пуллари ўз вақтида берилмоқда. "Хонобод ғалабаси" фермер хўжалиги ҳам ўн иш кунида пахта тайёрлаш режасини уддалаб, 134 тонна ҳосил олди. Фермер хўжалиги раҳбари Дилмурод Деҳқоновнинг айтишича, жорий йилда пахтани ўзидан 100 миллион сўм фойда олмоқда.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.**

**Олтиариқ туманидаги "Деҳқон замини" фермер хўжалиги биринчи теримдаёқ 100 тонналик пахта хирмони бунёд этиб, туманда биринчилардан бўлиб кўзланган мақсадга эришди. 32 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан олинган ҳосилдорлик ўртача 32 центнерни ташкил этди.**

# БИРИНЧИ ТЕРИМДАЁҚ ПАХТА ХИРМОНИ – 100 ТОННА

— Биринчи теримнинг ўзида ҳар бир кило пахта учун 1000 сўмдан – 70 миллион сўм пул тарқатилди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Назира Ибрагимова. – Бу йил пахтачилик тармоғидан 250-300 миллион сўм даромад олишни режалаштирганмиз.

Фермер хўжалиги уруғлик буғдой ва пахта етиштириш борасида жуда катта тажрибага эга. Бу йил хўжаликда 100 фоиз уруғлик буғдой етиштирилган бўлса, шу кунгача йиғиб олинган пахта ҳосилининг қарийб 50 фоизи уруғликка топширилди.

**Ботир МАДИЁРОВ.**



**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

Қўй — барака

**Қува туманидаги "Қувончбек Зоҳиджон" фермер хўжалигида уч сотих жойда инновацион усулда 400 бош бўрдоқи қўйларни боқиш йўлга қўйилди. Самарали лойиҳа катта яйловлар талаб қилмайди, қўйлар тез етилади, маҳсулдорлиги юқори бўлди. Энг муҳими, гўшт таннархи арзонлашади. Битта ҳисори бурдоқи қўйни боқиш учун 120 кун кифоя бўлади.**

# Бўрдоқи боқишнинг инновацион усулини биласизми?

Озуқа тайёрлашда асосан иккиламчи хом ашёлар қўл келади. Булар супурги уруғи, анор данаги, макка мардаги, сомон, ловия пояси сингари 7 турдаги озуқа экинлар майда аралашмалари ҳисобига яратилади.

Масалан, бир боғ маккажўхори поясининг ўрта ҳисобдаги бозор баҳоси 3 минг сўм. Бу ўт бир бош қўйни 3 соатгача тўйдириб туришга етади. Кейин яна озуқа талаб этилади. Демак, бир бош қўйни анъанавий йўл билан боқишнинг бир кунлик озуқаси ўрта ҳисобда 9 -10 минг сўмга тушади. Янги усулда ем тайёрланса, унинг бир килограмми 1500 сўмга тўғри келмоқда. Битта қўйнинг бир кунлик озуқа сарфи 4500-5000 минг сўмни ташкил қилади. Бу қўйларни 7 соатгача тўйимли озуқа билан таъминлаш имкониятини беряпти.

— Ҳар бир бош бўрдоқи қўйга кунига 5 минг сўмдан омихта ем сарфлайман, — дейди фермер Зоҳиджон Ҳакимов. — Қўйларни 100-120 кун боқиб сотувга чиқарамиз. Ҳар юз бош ҳисобидан ўрта ҳисобда 15 миллион сўмдан соф даромад оламиз. Аҳолига қўй боқишнинг камхарж, лекин фойдали усулларини ўргатишимиз керак. Ҳар бир туманда инновацион қўй боқиш анъаналари оммалаштирилса, қўй боқиб бой бўлиш истагидаги ёшлар малакаси оширилса, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга чорва беришдан аввал парваришнинг тежамкор йўллари, дори-дармон, витаминлар ҳақида тавсиялар бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу катта ва майда шохли чорва моллари бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан.

Фермер хўжалигида бурдоқи қўйларни парваришлаш учун қилинган жойлар эътиборни тортади. Қўйхоналар ердан 20 сантиметр атрофида кўтарилиб пол қилинган. Тахталар 2,5 сантиметр оралиқда жойлашган. Бу ҳосил бўлган чиқиндиларни қийинчиликларсиз тозалаш, уларни қуруқ ҳолда сақлаш имкониятини беради. Усти ёпилган ва шамол айланиб туришга мослашган 4 та айвоннинг ҳар бири юз бош қўйни парваришлашга мосланган. Ўтган йилнинг ўзида аҳоли эҳтиёжи учун икки минг бош бўрдоқи етказиб берилди.

Ташаббускор фермер лойиҳаси туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланиб, унга қир бағридан 9 гектар ер майдони ажратиб берилди. Бу ерда ишчилар учун қўрғон, қўйхона ва омихта ем тайёрлаш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Қолган экин майдонларида янги узумзорлар ташкил этишга киришилди. Бунда фермер хўжалигидаги маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланилади. Экин майдонлари бир яримга бир метр чуқурликда кавланиб, унга тупроқ ва маҳаллий ўғит аралашмалари солингач, юзаси сомон билан қопланиб, томчилатиб суғориш технологиялари ўрнатилади. Мутахассислар эътирофига кўра, сомон экинлар тагидаги намликни узоқ сақлаш ва кам сув сарф қилган ҳолда катта даромад олишда қўл келади.

Дастлаб уй шароитида икки бош бурдоқи қўй боқишдан иш бошлаган Зоҳиджоннинг қўй-қўзилари минг бошга етди. Бурдоқидан саралаб олинган қўй-қўзилар Тошкент вилоятидаги Бурчмулла ўрмон хўжалиги яйловларида боқилмоқда. Фермер, туман кенгаши депутати сифатида ҳар жабҳада фаол. Коронавирус пандемияси даврида хўжалик ташаббуси билан кам таъминлаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар тез-тез йўқлаб турилибди. "Найман" маҳалла фуқаролар йиғинида гўшт, озиқ-овқат дўконлари фаолиятини йўлга қўйди, ўндан ортиқ янги иш ўринлари яратди.

Қўйчивон фермернинг иш тажрибаси "Қўй боқиш сирлари" телеграм ижтимоий тармоқларида ҳам оммалашиб бормоқда. Шу кунга қадар унинг 2500 нафардан ортиқ аъзолари бор.

**Расулжон КАМОЛОВ.
Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**



Томорқачилик

# Хонадон хазинаси



**Куз — ҳосил йиғиштириладиган палла. Аммо Тошлоқ тумани Ахшак маҳалласида яшовчи томорқачилар эса бу фаслда экин-тикин мавсумини бошлайди. Томорқадан унумли фойдаланиш ҳадисини олган ахшакликлар йилнинг тўрт фаслида ҳам даромад олишади. Айни кунда хонадон томорқаларига экилган саримсоқпиёз баравж ривожланмоқда. Саноқли кунлардан сўнг шифобахш ва витаминларга бой маҳсулотлар бозорга чиқарилади.**

Абдунаби Ҳасанбоев маҳалладаги миришкор томорқачилардан. Нафақада бўлса-да, уйда бекор ўтиргани йўқ. Фарзанд ва набираларига бош бўлиб, томорқа юмушлари билан андармон. Ўн сотих томорқанинг ҳар қаричи ҳисоб-китобли. Иссиқхонага экилган лимон бу йил тўртинчи ёшга етибди. Ҳосил тугунчалари даромад мўллигини кўрсатиб турибди. Ниҳоллар оралиғига экилган укроп, кашнич бозорга тайёр. Уч сотих иссиқхонадаги саримсоқпиёз ва боқувдаги чорвадан кутилаётган даромад оила меҳнатининг маҳсули.

— Бу, учинчи ҳосилимиз, — дейди Абдунаби ака эгатларга тартиб билан қадалган саримсоқпиёз ривожига боқиб. — Эртанги булғор қалампирдан 10 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик. Экин майдони унумдорлигини ошириш, шўрларни ювиш мақсадида чорва учун жўхори экдик. Кузги ҳосил ривожини кўриб турибсиз. Яқинда уларни бозорга олиб чиқамиз. Бўшаган майдонларда пешмапеш кўкпиёз етиштирамиз. Буларнинг ҳаммаси жамланса, йиллик даромадимиз 45-50 миллион сўмдан ошади.

Араббой Тоштемиров томорқадан топган даромади ҳисобига ўғли Анваржон учун янги уй-жой қурди. Мақсади, машина харид қилиш. Бунинг учун имкониятлар етарли. Эртаги булғор қалампирдан 15 миллион сўм, иккинчи ҳосил, бодрингдан 5 миллион сўмдан зиёд даромад топди. Тўрт сотих ерда иссиқхона шароитида парваришланаётган саримсоқпиёздан 10 миллион сўм даромад олишни кўзлаб турибди.

— Маҳалламизда бекор юрган одам, бўш қолган экин майдони йўқ. Деярли ҳар бир хонадонда иссиқхона ташкил қилинган, — дейди "Ахшак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳалимжон Исмоилов. — Йилнинг тўрт фаслида томорқадан унумли фойдаланамиз. Томорқада етиштирилган сара маҳсулотлар ички бозордан ташқари яқин қўшни мамлакатларга экспорт қилинади. Равон кўчалар, табиий газ, электр таъминоти, тоза ичимлик суви таъминотида ташаббускор, саховатпеша томорқачиларнинг ҳиссаси катта. Коронавирус пандемияси даврида аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсадида 6 нафар эҳтиёжманд оилаларга бепул иссиқхона қуриб берилди, парранда, қуён тарқатилди, ғаллада бўшаган экин майдонларидан ер ажратилди. Бундан ташқари, томорқада иссиқхона қуриш, чорва моллари боқиш истагида бўлган аҳолига 400 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит олишларига кўмаклашдик. Маҳалламизда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ салбий ҳолат барҳам берилган. Чунки бизда ҳамма фойдали меҳнат билан машғул.

Томорқа хонадон хазинасига қиёсланади. Кафтдек ерга уруғ қадаган киши унинг роҳатини кўради. Оилада катталар меҳнат ва изланишларини кўриб улғайган ёшлар ҳалол бойлик қадр-қимматини ҳис қилиб яшайди.

**Ўз мухбиримиз.
Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**


# ЭЪЛОНЛАР

Қувасой шаҳар ҳокимининг 2020 йил 21 сентябрь куңги 496-сонли қарори билан шаҳарнинг "Беҳизор" массиви ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги харитасининг 11қ, 14, 15, 19, 20қ-контурлардаги жами ер майдони 100 га, шундан, 19,5 га экин ери, 4,5 га боғ майдони ва 76,0 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонларида томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш учун тендер танлови ўтказилиши
**МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**
Манзил: Қува тумани, "Гулистон" МФЙ,
Мезон кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 91-106-40-00, 98-276-66-22.

"Фарғона сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти Марғилон шаҳар филиалининг мажлислар залига мебель жиҳозлари харид қилиш учун танлов савдолари ўтказилишини
**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Фарғона 2-тиббиёт коллежини 2011 йилда тамомлаган Жўраев Маҳмуджон Муҳаммад ўғли номига берилган К 2142283 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар, Қувасой кўчаси, 1-"б" уйда жойлашган "RUSTAM-DOSTON-RIVOJ" оилавий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар 6-ўрта таълим мактабини 2019-2020 ўқув йилида тамомлаган Абдураймов Абдуллажон Иқболжон ўғли номига берилган UM 0670789 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтиариқ нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежи (ҳозирги Олтиариқ саноат касб-ҳунар коллежи)ни 2013 йилда тамомлаган Исломов Шерзоджон Боходиржон ўғли номига берилган К 3070930 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона тумани, Чимён шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси, 154-"а" уйда жойлашган "CHIMYON MEHMONXONASI" хусусий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар, Ҳамза Ҳакимзода кўчаси, 6-уйда жойлашган "ФАЗО АСР" масъулияти чекланган жамияти номига берилган "Меркурий 115 Ф" русумли, завод рақами 1203690 бўлган касса аппарати йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона тумани 18-ўрта таълим мактабини 2019 йилда тамомлаган Ғуломов Бобирмирзо Умаржон ўғли номига берилган UM 0234077 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона вилояти давлат мулк бошқармасининг 1999 йил 10 сентябрдаги 4901/113-зер буйруғига асосан Собиров Набижон номига берилган 10313 рақамли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона вилояти маданий мерос бошқармаси жамоаси бошқарма бош мутахассиси
**Тўлқин Ўринбоевич СОБИРОВ**нинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

# Тупроқнинг сеҳрли оҳанги

## Моҳир уста-кулол, “Шуҳрат” медали соҳиби Алишер Назиров фаолиятига бир назар



Қарийб саккиз юз йиллик тарихга эга бўлган Риштон кулолчилик мактаби анъаналарини шу кунга қадар тараққий этиб келишида жаннатмакон гўшанинг асл фарзандлари, уста-кулолларнинг меҳнати беқиёс. Ана шундай моҳир кулоллар ҳақида сўз кетганда Алишер Назировнинг ижодий фаолияти алоҳида эътироф этилади. Ярим асрдирки, тупроққа “жон” бериб, мўъжиза яратиб келаётган уста Риштон кулолчилик сулоласининг муносиб давомчиларидан.

Ўн икки ёшида кўҳна юртнинг моҳир усталари Элбек Далиев, Абдуқодир Кимсанбоевлардан кулолчилик сирларни ўрганган ёш Алишер бебомерос ҳунармандчилик мактаби анъаналарига ўзига хос жило, сайқал бериб унинг мафтункорлиги, жозибадорлигини оширишга ҳисса қўшиб келмоқда. Айтишларича, Риштон кулолчилик маҳсулотлари сифатини билишни хоҳловчилар уни қўлга олиб бир чертиб кўрса кифоя. Ундан таралган сеҳрли сас мисоли куйга айланиб, узоқ вақт жаранглаб туради. Қолаверса, табиий кўриниши, ранг тасвирларга бойлиги билан кишини ўзига ром этади.

1990 йилда уста-кулол Алишер Назиров бошчилигида Парижда ўтказилган Халқаро кўргазмадан ўрин олган Риштон сопол буюмлари Оврўпа сополи билан бемалол рақобатлаша олиши эътироф этилган. Бунда “Уста – шогирд” мактабларида олиб борилаётган амалий ишлар, изланишлар катта аҳамият касб этмоқда. Кулол устахонаси ана шу ҳунарга меҳр қўйган ёшлар билан гавжум. Бу ерда Риштон кулолчилик мактабига хос бўлган беназир анъаналар ўргатилади. Хусусан, сопол буюмлар ишлаб чиқариш, табиий гиёҳлардан сир, ранг тайёрлаш жараёнларини қамраб олган йўналишлар ёш кулоллар ҳаёт тарзида янги имконият эшикларини очмоқда.

Кулол устахонаси кўҳна ҳунар яратилиши жараёни билан қизиққан сайёҳлар, меҳмонлар билан гавжум. Бу ерда мураккаб ва нафис нақшлар ўзига хос услубда яратилган, бир-бирини такрорламаган сержило кулолчилик буюмларига алоҳида ўрин ажратилган. Меҳмонлар кулол кўз нури, қалб сеҳри билан тайёрланган маҳсулотлар билан нафақат танишишлари, балки бу жараёнда иштирок этиш имкониятига эга.

— Ҳар бир маҳсулот яратилиши учун кулолдан меҳнат, қунт, сабр талаб қилади, — дейди кулол. — Оддий пиёла тайёр ҳолга келгунча ўнлаб қўлдан қўлга ўтади. Усталар меҳр-муҳаббати билан ўзига хос жило ва кўриниш касб этган маҳсулотлар шу боис қадрли. Чунки унда акс этган ҳар бир чизиқ, тасвир, рангларнинг ўзаро уйғунлиги муҳим ҳисобланади. Асосий эътибор Риштон кулолчилик мактабига хос бўлган ранг-тасвирларни сақлаш, ривожлантиришга қаратганмиз. Масалан, ложуворд — мовий ранг инсон қалбига улуғворлик, ғалаба сари даъват этади. Шунингдек мис — феруза, малҳаш-қўнғир, зардпазлик – сариқ, сафедпазлик — оқ ранг кўҳна кулолчилик анъаналарида алоҳида аҳамиятга эга. Табиий гиёҳлардан тайёрланган бу ранглар бир-бири билан уйғунлашиб буюмларга ўзига хос жозиба беради, асрлар давомда ўз кўриниши йўқотмаслик хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу боис маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам машҳур. Айни кунда Америка, Франция, Германия, Белгия, Швейцария, Австрия, Россия сингари мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйдик.

Кулол иш амалларида кунчиқар мамлакат — япониялик кулоллар билан ҳамкорлик алоқалари алоҳида ўрин тутади. У олис юртда Риштон тупроғининг ўзига хос сеҳрини кўз-кўз қилди, “Риштон – Япония” тил ўргатиш марказини очди, 3 гектар майдонда Япония боғи яратди.



**Расулжон КАМОЛОВ.**

Партия ҳаёти

# Мусобақадан саломатлик сари

**O‘zLiDeP вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” томонидан “O‘zLiDeP – соғлом турмуш тарзи тарафдори!” шиори остида имконияти чекланган шахслар ўртасида спортнинг мини-футбол тури бўйича мусобақа ўтказилди.**

Ушбу мусобақа орқали бугунги пандемия шароитида имконияти чекланган инсонларга эътибор қаратиш, уларнинг бўш вақтига мазмун бағишлаш каби эзгу ғоялар илгари сурилди. Аҳоли ўртасида саломатлик маданиятини янада камол топтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли бўлган бу спорт тадбири иштирокчилар ва томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди.



Партия ва депутатлар томонидан берилган эсдалик совғалари имконияти чекланган спортчиларни янги марралар сари руҳлантирди.

**Ж.ШАМСУДДИНОВ,
O‘zLiDeP Фарғона вилояти Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири.**

Оғриқли нуқта

# ГУЛКИ КЎРСАНГ, ТЕГРАСИДА ЮЗ ТИКАН...

## ёхуд аёлларни хўрлаш қадриятларимизга бегона



**2019 йил 2 сентябрда Президентимиз “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни имзолади. Кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қонуний ҳужжатларга кўра, энди аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг жинсий, жисмоний, иқтисодий ва руҳий каби барча турларига жавобгарлик муқаррар.**

Оммавий ахборот воситалари, хусусан, ижтимоий тармоқларда тарқалган самарқандлик аёлнинг эри томонидан аёвсиз калтаклангани, яна бир ҳудудда хотинини тепкилаб, ербағир қилиб судраб бораётган жоҳил эрнинг қилмишлари акс этган видеолар кескин муҳокамаларга сабаб бўлди. Ачинарлиси, зўравон эркаклар биргина аёлни эмас, қийноққа солинаётган онаси атрофида зир титраётган болаларни ҳам баробар хўрлашмоқда.

Аёлнинг ҳар қандай ҳуқуқига нисбатан зўрлик ишлатиш ортидан бошқа жиноятлар, оилаларнинг бузилиши, болаларнинг тирик етим қолиши, энг ёмони, ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кузатилаяпти...

Аслида, муаммонинг илдизи “тарбияга чақирилмаган” тарбия усулимизда эмасмикан?

Азалдан ўзбек оилаларида турмушнинг “мушти” ҳақида кўп гапирилади, вояга етаётган қизлар аввалбошдан келин бўлиб тушган хонадонида “сув келса симириб, тош келса кемириб яшаш”га ўргатилади. Юқорида айтганимдек, бу ўзбекона тарбиянинг бузилган кўриниши. Ота-боболаримиз аёл зотини улуғлаганлар, ўзининг қарамоғидаги ожизаларга меҳр-шафқат кўзи билан қараб, уларни оғир юмушлардан асраганлар. Шунинг баробарида аҳли аёлларига оилада эрнинг ҳурматини сақлаш, турмушдаги моддий етишмовчиликларга кўниш, борига қаноат қилиш борасида панд-насиҳатлар қилишган. Аммо бизга ўргатилган сабр жар ёқасида турган оилани сақлаб қолиш учун тазйиқларга чидаш, ҳар қандай озорга, қадрсизликка маҳкум бўлиб яшашга рози бўлишни англатмайдику! Агар бундай қилмишларни миллий тарбиямиз, қадриятларимиз мезони кўтарганида Отабек ҳатто суюкли ёри Кумушни заҳарлаб ўлдирганини билганда ҳам Зайнабни қаттиқ жазолаган бўлмасмиди? У муштига зўр бериш ўрнига иймони, йигитлик шаъни, эрлик тожи билан “Кет мундин...” дея олган холос. Демак, аёлларни хўрлаш на шариатимиз, на қадриятларимизда оқланган, бу иллат бизнинг қонимизда йўқ. Ундай бўлса, бугун қандай сабаблар бор эканки, аксарият эркаклар ўз аёли, фарзандларининг онаси, халқона қилиб айтганда, бировнинг боласини жоҳиллик билан калтаклашяпти? Нега аёлларни хўрлаш ўзбекчилигимизга ҳам бегона бўлмай қолди?

Аёлни ҳимоя қиладиган қонун, зўравоннинг ортидан тушадиган тегишли органлар бор. Бироқ “уйдаги гапни кўчага олиб чиқма” қабилида тилини тишлаб, аламли кўз ёшларини артиб яшаётган қанчадан-қанча хотин-қизларнинг оҳларини ким эшитади, ким уларни қутқаради?

Айтганча, зўравонлик ва тазйиққа учраган аёлларни ҳимоя қилувчи ордер ҳам бор. Биргина Тошкент шаҳрида 2020 йилнинг биринчи ярмида жабрдийда аёлларга 709 та ҳимоя ордери тақдим этилибди. Шундан 639 таси жабрланган хотин-қизларни оила-турмуш доирасидаги зўравонликлардан ҳимоя қилиш учун берилган. Бу борада вилоятимиз мисолидаги кўрсаткичлар ҳам, афсуски, мақтанарли эмас.

Олинган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида 510 нафар аёллар ўзига нисбатан зўрлик ва тазйиқ ишлатилганлиги устидан ҳудудлардаги реабилитация марказларига мурожаат қилишган. Зўравонликка учраган аёлларнинг аксарияти Қўқон, Учкўприк, Бешариқ ҳудудларига тўғри келади. Шу вақт ичида 1700 тадан зиёд оилавий ажримлар қайд этилган. Яна 1450 тадан ортиқ нотинч оилалар ажрим ёқасига келиб қолган. Шаръий никоҳлар сони эса 3300 тадан ошиқ. Бу рақамлар ортида турмуш “мушт”ларига учраган аёлларнинг тақдири ётганлигини билиб ҳам наҳот хавотирга тушмасак? Хайриятки, эрта никоҳ деган балодан анча қутулдик. (Буни ўтган саккиз ой давомида вилоятда бирорта ҳам эрта никоҳ ҳолати қайд этилмаганидан билсак бўлади)

М. А.нинг ҳаёти ғурбатга айланди. Унинг оиласида қадри йўқ, икки фарзанднинг онаси бўлишига қарамай эри ҳам, қайнона-қайнотаси ҳам одам ўрнида кўрмайди. Гўё фақат унинг мажбуриятлари бор холос, ҳаққи йўқ. Ҳунарли эди, уй юмушлари-ю, таъна дашномларни деб уни ҳам ташлади, рўзғорнинг юмушларига ботди. Охирги кунларда салга хуноби ошиб, уришга чоғланадиган эрининг дастидан дод дейишга ҳам кучи қолмади, йиқилди. Энди шифохона остонасида онаси ва нуридийдалари синиқиб ўтиришибди...

Ислом тарихига назар солсак, жоҳилият даврида аёлларнинг деярли ҳуқуқлари бўлмаган. Улар нафақат меросдан маҳрум қилинган, балки ўзлари бир буюм сифатида меросхўрлар ўртасида тақсимланган. Инсониятни залолатдан ҳидоятга олиб чиққан динимиз, бу масалани ҳам адолатли ҳал қилди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда барча инсонлар, жинсидан қатъий назар, тенг эканини ва уларни бир жондан яратганини баён қилади:

“Эй, одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан қўрқингиз!... ” (Нисо сураси 1-оят).

Аёллар Исломда она, опа-сингил, жуфти ҳалол ва қиз сифатида ҳурматланади. Улар мерос олади ва мерос қолдиради, никоҳда розилиги сўралади. Улар доим эркак қариндошлари таъминоти остида бўлишади. Қуръони каримнинг ўндан ортиқ сураларида ва кўплаб ҳадиси шарифларда аёлларга тегишли ҳукмлар мавжуд. Ҳатто улар ҳақида “Нисо” (“Аёллар”) деб номланган сура ҳам бор.

Муқаддас манбаларда эрларнинг хотинларда нима ҳақлари бўлса, хотинларнинг ҳам эрларда ана ўшандоқ ҳақлари борлиги, аёл киши ҳам эридан яхши муомала кутиш, зарар ва озор етказмаслик ҳақига эга эканлиги қайд этилган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам “Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин ва аёлларга доимо яхшилик қилсин! Чунки улар қовурғадан яратилгандирлар. Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир. Агар уни тўғрилайман деб уринсанг, синдирасан. Агар уни тек қўйсанг, эгрилиги бўйича қолур. Бас, аёлларга доимо яхшилик қилинг!» дедилар. Бу ҳадиси шарифнинг изоҳида аёлнинг ўз эрида ундан содир бўладиган баъзи нуқсонлар учун зулм қилмай сабр қилишини кутиш ҳақи борлиги айтилади. Зотан, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг “Мўмин мўминага ғазаб қилмасин, агар унинг бир хулқини ёқтирмаса, бошқасини ёқтирур” деганлари ожизаларнинг ҳаққи Яратганнинг муҳофазасида эканлигига ишора эмасми?

Энди ўйлаб кўрайлик, на динимиз, на миллатимиз шаънига ва на одамийлик тарозига тўғри келадиган аёлларни хўрлаш иллатидан қандай қутулиш мумкин? Оналаримиз, опа-сингилларимизнинг тириклик деб аталмиш илоҳий неъматнинг ҳузурини, саодатини билмай яшайверишлари ожизаларнинг ҳаққига хиёнат аслида.

Тўғри, маиший зўравонлик фақат бизда эмас, халқаро миқёсда ҳам авж олган муаммо. Айниқса, дунёнинг кўплаб мамлакатларида пандемия сабаб карантинда қолган эркакларнинг хотинига нисбатан зўрлик ишлатган ҳоллари анча кўпайди. Бироқ бизнинг эътиқодимиз бутунлай бошқа.

Истардикки, сўзимизни мудҳиш ҳолатларнинг сабаби билан эмас, оқибатига қарши курашишга ўрганиб қолаётган жамоат ташкилотлари, маҳалла мутасаддилари, жуфти ҳалолини турмушнинг қўйига ташлаб, ўзи бегона юртларда пинак бузмай ишлаб юрган, хотинининг вазифаларини билади-ю, ўзининг мажбуриятларини унутган эркаклар ҳам эшитсин! Бировнинг боласи кўраётган озорга юраги ачишмаётган катталар, қўшни жувоннинг аламли овозига девор ортидангина қулоқ тутишга ўрганиб қолган қўшнилар ҳам уйғонсин.

Зотан, аёл зотининг ҳар қандай таърифида гулга қиёслаш бор. Аммо ҳаётимизнинг гулларига қилинаётган жоҳилликлардан уларнинг атрофи хазонрез япроқларга тўлиб бормасин. Ҳазрат Навоий айтганларидек, “Гулки кўрсанг, теграсида юз тикан” дегувчи аҳволда қолмайлик. Мавзуга яна қайтамиз, замондош!

**Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА.**

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# Зўравон “дўст”

**СУДНИНГ “қора курси”си Мўминжон Султонов (исм-шарифи ўзгартирилган) учун бегона эмас. Навбатдаги жиноий хатти-ҳаракатига жавоб беришидан олдин ҳам беш марта ўтирган бу курсига. Аммо ҳар гал қилмишидан пушаймонлигини айтган бўлса-да, тавбасига таянмади.**



Фарғона шаҳар марказида таниши Қ.Ш. билан учрашган Мўминжон у билан ҳол-аҳвол сўрашган бўлиб, олдиндан ўйлаб қўйган режаси бўйича биргалашиб спиртли ичимлик ичишни ва бемалолроқ жойда овқатланиб ўтиришни таклиф қилди.

Қишнинг изғиринига қарамай дўстлар Фарғона шаҳар, “Ёрмозор” МФЙ ҳудудидаги қаровсиз дала майдонига боришди. Шу ерда “қиттай-қиттай” бошланди. Тун қора пардасини ёйган соатларда уларнинг кайфлари ошиб қолди. Шу дамларни кутган Мўминжон Султонов дабдурустдан улфатига уст-бошларини ечишни, чўнтагидаги бор пулларни беришини талаб қилди. Бундай босқинчиликни кутмаган Қ.Ш. қаттиқ қаршилик кўрсатди. Талабини бажармаганни хуш кўрмайдиган зўравон эса уни қўл кучи ва ёғоч бўлаклари билан уриб, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказди, эгнидаги қишки курткаси, жемпери, оёқ кийимини ечиб олди, ёнида бўлган 180.000 сўм пулни киссасига уриб, жуфтакни ростлади.

Жабрланувчининг аризасига асосан мазкур жиноий хатти-ҳаракатни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди босқинчилик йўли билан ўзгага тан жароҳати етказган ва унинг мулкини талон-тарож қилган Мўминжон Султоновга нисбатан озодликни чеклаш жазосини тайинлади.

**Ш.ХАШИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг раиси.**

Ҳаёт ва қонун

# УЧКЎПРИКЛИК ТАДБИРКОРЛАР НИМАДАН ТАШВИШДА?!

**Шу йилнинг ўтган даврида 115 та мурожаатлар www. business. gov. uz ягона интерактив порталига жойлаштирилди. Бу мурожаатларнинг 34 таси сектор раҳбарлари иштирокида туманнинг турли ҳудудларида ўтказилган сайёр қабулларда келиб тушган. Шунингдек, ўтган даврда туман қабулхонасига 41 та, республика “Ишонч телефони”га 36 та мурожаат қабул қилинди.**

Мурожаатларда 140 та масалалар кўтарилган бўлиб, асосан банк ва молия, аёллар тадбиркорлиги, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури, “Ҳунарманд” уюшмаси тавсияномаси орқали ажратиладиган ҳамда тижорат мақсадидаги кредитларга тааллуқлидир. Ер ажратиш, кадастр ва архитектура ҳужжатларини расмийлаштириш, бўш турган бино-иншоотлардан фойдаланиш, лицензия олиш, солиқ ва прокуратура идоралари фаолияти билан боғлиқ мурожаатлар ҳам бор.

Хўш, мурожаатлар ижроси тўлиқ таъминланяптими? Халқ депутатлари Учкўприк тумани Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида жорий йилнинг иккинчи чорагида келиб тушган мурожаатлар ва уларнинг ижроси юзасидан қабулхона мудирининг ахбороти ўқиб эшиттирилди. Шу асосда халқ депутатлари Учкўприк тумани Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Учкўприк туманида “Ҳар бир оила — тадбиркор” Давлат дастури асосида имтиёзли кредит ажратиш бўйича йўлланган мурожаатлар билан ишлашда сусткашликка йўл қўйгани учун АТБ “Микрокредитбанк” (У. Бозоров) ва “Халқ банки” (Ф. Эҳсонов)нинг туман филиали раҳбарлари огоҳлантирилди. Тумандаги тегишли мутасадди идоралар раҳбарлари масъулиятини ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

**Ж. АЛИЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Учкўприк туманидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири.**

МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.
Бош муҳаррир ўринбосари: (факс) 73-226-37-80.
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.fargona.uz

Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.

Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 18.50.

Буюртма: 627
Индекс: 7521
Адади: 3 826

Саҳифаловчи Алишер Розиқов.

ISSN: 2010-8370

Газета чоршанба ва шанба кунлари чиқади. ■ Баҳоси келишилган нархда. ■ Навбатчи муҳаррир Дилнавоз Қўлдошева. ■ Газета сифати учун босмахона масъул.